



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

2 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2023

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети


**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Шохистахон Мамажоновна Улжаева</b> ЎРТА ОСИЁ ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИГА ОИД БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	5
<b>2. Abduraxmon Abdumo‘minovich Abduxalimov</b> NAMANGAN VILOYATIDAGI QISHLOQ VRACHLIK PUNKTLARINING RIVOJLANISH BOSQICHLARI.....	11
<b>3. Нурбек Аллабергенов</b> ЎРТА ОСИЁНИНГ СУҒДИЙ ЁЗУВЛИ ТАНГАЛАР ТАРҚАЛГАН ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ВИЛОЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА.....	17
<b>4. Рафикжон Сотволдиевич Атаханов</b> XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИ ДЕҲҚОНЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ.....	22
<b>5. Ғулом Жуманазарович Ахмедов</b> ЎРТА ОСИЁДА ИЛК ТЕМИР ВА АНТИК ДАВРДА КОНЧИЛИК.....	28
<b>6. Акбар Давурбаевич Бабабеков</b> ТУРИЗМ АНТРОПОЛОГИЯСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАРИ ВА МУАММОНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	34
<b>7. Mexriniso Olimnazarovna Begaliev</b> D.N.LOGOFET ASARLARIDA SUG‘ORISH TIZIMIGA OID MA’LUMOTLAR (Surxon vohasi misolida).....	40
<b>8. Элбек Алишерович Ботиров</b> ТУРКИСТОН АССР БОЖХОНА ТИЗИМИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ БОЖ-ТАРИФ СИЁСАТИ.....	45
<b>9. Azad Xasanovich Vaisov</b> MUSTAQILLIKNING ILK YILLARDA XORAZMDA IJTIMOIIY-EKOLOGIK VAZIYATNI SOG‘LOMLASHTIRISH MASALALARI.....	50
<b>10. Расулжон Раҳимбаевич Дусчанов</b> ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАРИХИ.....	56
<b>11. Муйсин Тура ўғли Дусалиев</b> ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО СИЁСИЙ АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИ.....	63
<b>12. Ойбек Аҳмед ўғли Исаев</b> ТЕРМИЗ ҲАЙВОНОТ БОҒИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРИДА.....	72
<b>13. Фарходжон Одилжонович Исмагуллаев</b> ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	78
<b>14. Elyorjon Zokir o‘g‘li Karimov</b> XX ASR 60-YILLARI QASHQADARYO VILOYATI TARIXIGA BIR NAZAR.....	84
<b>15. Гулмира Чориевна Каттаева</b> ТИЛЛАБУЛОҚ ТАҚИНЧОҚЛАРИ ТУРЛАРИ.....	90
<b>16. Фирюза Мухитдинова Абдурашидовна</b> БЕРУНИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИДА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ВА ИНСОН ҚАДРИ МАСАЛАЛАРИ.....	96
<b>17. Акмал Менглибоев</b> СУРҲОНДАРЁ ОКРУГИДА МИЛЛИЙ - ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛЛАР.....	106


<b>18. Гулчехра Исмаиловна Мўминова</b> УСТРУШОНАНИНГ ЎРТА АСРЛАРГА ОИД ХЎЖАЛИК ИДИШЛАРИ ХАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	111
<b>19. Ismoil Nematov</b> O'ZBEKISTON SSR SOLIQ SIYOSATIGA OID HUJJATLAR TAHLILI (O'ZMA R-86 FOND ASOSIDA).....	117
<b>20. Nurali Ollomurodov</b> QISHLOQ XO'JALIGIDA ISH HAQI BILAN BOG'LIQ QARAMA-QARSHI JARAYONLARINING TAHLILI (XX asrning 50 yillari misolida).....	123
<b>21. Шаходат Абдукахаровна Рузматова</b> ПОДШО РОССИЯСИ ТОМОНИДАН ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ БОСИБ ОЛИНИШИ ВА УНИНГ ХОНЛИК АҲОЛИСИ ЭТНИК ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ (1865-1876 йй.).....	127
<b>22. Faxriddin Ro'ziboyev</b> TURKISTON O'LKASI UCHUN ROSSIYA IMPERIYASI TOMONIDAN ISHLAB CHIQLGAN BA'ZI NORMATIV QOIDALAR.....	132
<b>23. Shavkatjon To'lanboev</b> FARG'ONA HUNARMANDCHILIGINING O'ZBEK MILLIY HUNARMANDCHILIGIDA TUTGAN ANAMIYATI.....	137
<b>24. Тўлқин Худойкулов Дўстбобоевич</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРБИЙ ИШ ТАРИХИ.....	143
<b>25. Шерзод Чориев</b> АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИГА ОИД МАНБА СИФАТИДА (1924-1941 йй.).....	149
<b>26. Fotima Nasirovna Shirinova</b> HARAKATLAR STRATEGIYASIDAN TARAQQIYOT STRATEGIYASIGACHA.....	156
<b>27. Shoiraxon Asqarovna Qambarova</b> SOVET HUKUMATINING XX ASR BOSHLARIDA SAYLOV JARAYONLARINI TASHKILLASHDA OLIB BORGAN TARG'IBOT ISHLARI VA ULARNING NATIJALARI (ANDIJON VA QO'QON SHAHARLARI MISOLIDA).....	165
<b>28. Murodjon Normamat o'g'li Qurbonov</b> SURXON VOHASINING TARIXIY – GEOGRAFIYASI (SO'NGI O'RTA ASRLAR).....	169
<b>29. Kamoliddin Eshboltayevich Qobilov</b> SURXON VOHASI BEKLIKLARINING IQTISODIY HAYOTIDA SAVDO-SOTIQ MUNOSABATLARINING RIVOJLANISHI (DENOV BEKLIGI MISOLIDA).....	174
<b>30. Аъзамжон Юсупов</b> XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎРТА ОСИЁНИНГ ҚЎШНИ ҲУДУДЛАР БИЛАН ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ (Қўқон шаҳри мисолида).....	179
<b>31. Дилдора Журакуловна Юсупова</b> ҒАРБИЙ ЕВРОПА ОЛИМПЛАРИНИНГ АРХИВШУНОСЛИК СОҲАСИДАГИ ОЛИБ БОРГАН ТАДҚИҚОТЛАРИ.....	184
<b>32. Мансур Юсупов</b> ЎЗБЕКИСТОН КИНОФОТОФОНО ҲУЖЖАТЛАР МИЛЛИЙ АРХИВИ ТАРИХИ.....	189
<b>33. Гулжохон Шопулатовна Шайдуллаева</b> ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАН ТОПИЛГАН ҚАДИМГИ ШАРҚ МАДАНИЯТЛАРИГА ОИД МАНБАЛАР.....	194
<b>34. Сайпова Камола Давляталиевна</b> ИСТОРИОГРАФИЧЕСКИЙ ОБЗОР ИЗУЧЕНИЯ МИГРАЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ: НА ПРИМЕРЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ МЕНЬШИНСТВ УЗБЕКИСТАНА.....	206



**Шохистахон Мамажоновна Улжаева,**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Тошкент ирригация ва қишлоқ  
хўжалигини механизациялаш муҳандислари  
институти, Миллий тадқиқот университети

## ЎРТА ОСИЁ ТАРИХИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИГА ОИД БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

**For citation:** Shohistahon M. Uljaeva. SOME COMMENTS ON TOPICAL ISSUES IN THE HISTORY OF CENTRAL ASIA. Look to the past. 2023, Special issue 2, pp.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.00000000>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Марказий Осиё тарихининг айрим долзарб масалалари ёритилган. Унда бугунги кунда Марказий Осиё республикалари тарихчилари томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар ва уларда кузатилаётган тенденциялар таҳлил қилинган.

Мақолада бир тарихий даврга мансуб салтанат ва давлатлар тарихи турли республикаларда турли нуқтаи назардан талқин этилган. Ўз ҳудудларида тузилмаган айрим давлатларнинг қўшилиш жараёни босқинчилик тарихи сифатида талқин қилинмоқда. Айрим олимларнинг таъкидлашича, уларнинг республика халқи тарихнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва устаси бўлган. Булар бирёқлама қарашлар ва бир геосиёсий маконда яшаган халқлар тарихини холис ёритиб бориш керак.

Муаллиф ушбу мақоласида қўшни мамлакатлар олимлари билан биргаликда Марказий Осиё халқлари тарихини ёзишни таклиф қилади.

**Калит сўзлар:** миллат, Ўрта Осиё, тарих, интеграция, миллатлараро муносабатлар

**Шохистахон Мамажоновна Улжаева,**  
доктор исторических наук, профессор

Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства  
Национального исследовательского университета

## НЕКОТОРЫЕ КОММЕНТАРИИ ПО АКТУАЛЬНЫМ ВОПРОСАМ ИСТОРИИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье освещены некоторые актуальные вопросы истории Центральной Азии. Анализируются исследования, проводимые сегодня историками республик Центральной Азии, и наблюдаемые в них тенденции.

В статье история царств и государств, относящихся к одному историческому периоду, в разных республиках трактуется с разных позиций. Процесс присоединения некоторых



государств, не обосновавшихся на их территориях, интерпретируется как история вторжения. Некоторые ученые утверждают, что их республиканский народ был главной движущей силой и хозяином истории. Это односторонние взгляды и история народов, живших в одном геополитическом пространстве, должна освещаться беспристрастно.

В данной статье автор предлагает писать историю народов Центральной Азии совместно с учёными соседних стран.

**Ключевые слова:** нация, Центральная Азия, история, интеграция, межэтнические отношения.

**Shohistahon M. Uljaeva,**

Doctor of Historical Sciences, Professor  
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural  
Mechanization Engineers of the National Research University

## SOME COMMENTS ON TOPICAL ISSUES IN THE HISTORY OF CENTRAL ASIA

### ABSTRACT

This article highlights some current issues in the history of Central Asia. The research conducted today by historians of the Central Asian republics and the trends observed in them are analyzed.

In the article, the history of kingdoms and states belonging to the same historical period in different republics is interpreted from different positions. The process of annexation of some states not established on their territories is interpreted as a history of invasion. Some scholars argue that their republican people were the main mover and master of history. These are one-sided views and the history of peoples living in the same geopolitical space must be covered impartially.

In this article, the author proposes to write the history of the peoples of Central Asia together with scientists from neighboring countries.

**Index Terms:** nation, Central Asia, history, integration, interethnic relations.

### 1. Муаммонинг долзарблиги:

Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари орасида умумий тарихий саҳифаларни нотўғри талқин қилиш кучайиб бормоқда. Уларга назар солсак қайсидир республика халқи тарихининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлгани ҳақидаги иддаолар устунлик қилади.

Баъзи давлатлардаги тарихчилар жамоаси ижтимоий тармоқларда Марказий Осиё маданияти соҳибни эканлиги, Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби шаҳарлар тарихда уларники бўлгани, ўша шаҳарларни мазкур давлат таркибига қўшиб олиш адолатдан бўлиши ҳақидаги чиқишлари билан жамоатчиликнинг эътиборини ўзига тортмоқда.

Асосан тарихда қайсидир шаҳарлар, машҳур тарихий шахслар ва тарихий жараёнларга даъвогарлик қилиш тенденциялари кучайиб кетди.

Бу эса албатта Марказий Осиё халқлари орасига низо солиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Марказий Осиё давлатлари тарихчилари билан биргаликда ягона тарихни ёзиш тарихга ҳолисона ёндашиш ва халқларнинг бир-бирларига ўзаро ҳурмат-иззатда бўлиш, миллатлараро тотувликни таъминлашга замин яратиши мумкин.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур муаммони тўлиқ очиб беришга хизмат қилувчи алоҳида асар бўлмаса ҳам Марказий Осиё тарихининг айрим масалалартаҳлил этилган китоб ва мақолалар мавжуд. Шулардан бири «Проблемы истории, археологии и этнологии Центральной Азии» тадқиқотидир[1].

Шундай китоблардан бири П.Б.Коновалов «Этнические аспекты истории Центральной Азии: древность и средневековье»[2] номли тадқиқотидир.

Бунда асосан Мўғулистон, Бурятия ва турк-мўғул халқларига эътибор қаратилган.

Ушбу мақола тарих фанининг қиёсий таҳлил, холислик, тарихийлик, илмийлик, цивилизацион ёндашув тамойилларига ва методларига асосан ёзилган.

### **3. Тадқиқот натижалари:**

Тарих, аждодлар мероси халқимизнинг энг муқаддас туйғуларини жонлантиради, акс эттиради. Ўрта Осиё азалдан турли цивилизациялар чорраҳаси бўлиб келган. Мультикультурал маконда яшаётган барча миллат ва халқлар Ўрта Осиё тарихининг меросхўридилар.

Тарихга беписанд ёки ноҳолис ёндашиш миллатлараро муносабатларнинг бузилишига, баъзи халқларнинг эмоционал жиҳатдан зўриқишига, камситилишига олиб келади.

Миллатчилик, айирмачилик ва буюк давлатчилик шовинизми минтақадаги барқарорликнинг бузилишига, халқаро муносабатларнинг таранглашишига сабаб бўлиши мумкин.

Буюк давлатчилик шовинизми, бошқаларни камситиш, фақат ўз тарихининг ва миллатининг устунлигини истботлашга ва далиллашга уриниш бугунги кунда Ўрта Осиё давлатлари тарихчилари ва бошқа сиёсий кучлари томонидан илгари сурилмоқда. Бу каби ноҳолис ҳаракатлар ёш авлод онгини бузади, инфорацион ва глобал урушлар даврида ҳар бир республиканинг яққаланиб қолишига сабаб бўлади ва бирлашишга тўсиқ қўяди. Бу бизнинг учинчи кучлар олдида таслим бўлишимизга йўл очиши мумкин. Бу ҳолатларга тарихий альтернатив жавоблар ва асарлар яратилмаса орадан 20-30 йил ўтиб минтақа миллий низолар нуқтасига айланиб қолиши мумкин.

Олимларнинг бир ёқлама ва миллатчилик руҳида ёзилган тадқиқотлари ёки тарғиботлари ёшларда бошқа миллат вакилига нисбатан тоқатсизлик ва кўролмаслик иллатларини шакллантиради.

Албатта бунда учинчи кучларнинг ҳам ўрни катта, улар Ўрта Осиё республикаларининг бирлашишига, барқарор ва тинч-тотув яшашига зимдан қаршилик қиладилар.

Тарихимизга назар солсак, азалдан бошқа кўплаб минтақалар каби Ўрта Осиёда ўнлаб давлат тузумлари шаклланган ва завола топган.

Колониализм даврида хонликларга ҳужум қилинди, уларнинг сиёсий мавқеи тушди, Қўқон хонлиги бутунлай тугатилди. Тарихий жараёнлар ва тақдирлар сабаб совет тузumi даврида мана шу сўнгги 3-4 асрда пайдо бўлган ва ривожланган хонликлар тугатилиб, уларнинг ўрнида янгича колониал бошқарув тизимлари жорий этилди. Совет даврида эса жинойткорона тарзда миллий-худудий чегараланиш ўтказилган ва «бўлиб ташла-ҳукмронлик қил» ғояси амалга оширилган. Совет давлатининг миллий-худудий чегараланиш сиёсати натижасида бугунги Ўрта Осиё республикалари пайдо бўлишига замин яратилган. Таъкидлаб ўтганимиздек, асрлар оша Ўрта Осиё халқлари кўп ҳолатларда битта ёки бир нечта бошқа номдаги давлатлар таркибида яшаганлар.

Ўша даврларда Ўрта Осиё халқлари бағрикенглик билан шу ерда яшаётган миллат ва элатларга ҳурмат билан ёндашган ва улар билан қуда-анда бўлиб ўзаро ҳамкорликда яшашган. Тарихий асарларда ота-боболаримиз ва момоларимизнинг меҳмондўстлиги, бошқаларни ҳурматини баланд тутиши, ҳамма дўст-ёрларини ҳурмат-иззатини жойига қўйганлиги ҳақида минглаб ҳикоялар ва далиллар бор.

Хусусан, Аҳамонийлар, юнонлар, Кушон, Эфталийлар, Турк ҳоқонлиги, Сомонийлар, Тоҳирийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, мўғуллар, Темурийлар, хонликлар ва бошқа сулолалар тарихи деярли барча республика халқлари тарихига тааллуқли бўлса-да, уларда ҳаммага тегишли бўлган тарихий жараёнлар турли ракурсларда турлича ўрганилмоқда.

Тарихдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларни фақат битта давлат ёки миллатнинг хизмати сифатида баҳолаш, қайсидир миллатнинг тарихдаги устунлигини кўрсатишга уриниш ўтмишни илмий ва холисона ёритишга тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Тарихчи олимлар тарихий методология усулларига амал қилишлари, аввало холислик тамойилидан узоқлашмасликлари лозим. Бу каби бир ёқлама таҳлиллар тарих фанини ва халқнинг онгини тор қолипларга солиб қўйиши, холисона жараёнларни ўрганишга ҳалакит

бериши, миллий низоларга сабаб бўлиши мумкин. Айирмачилик, барчага тааллуқли бўлган умумий тарихларни фақат бир давлатники ёки миллатники қилиб кўрсатиш бошқаларнинг ғазабига сабаб бўлиши, миллатлар ўртасида адоват туғдириши мумкин.

Биз ўрта осийликларнинг бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, тарихимиз саҳифаларини ёритиб турадиган саҳифаларимизга минг йиллардан бери доғ тушмай келмоқда. Буларга жамоа бўлиб яшаш туйғуси, шарқона урф-одатларимиз, ахлоқ-одобимиз, шарқона таълим-тарбиямиз, турмуш тарзимизни мисол келтирсак адолатдан бўлади.

Бугунги кунда туркий тилли халқлар тарихини ўрганиш ҳам алоҳида долзарблик касб этади.

Бугун пост соет заминда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Озарбайжон каби давлатларнинг биргаликдаги тарихини ёритиш тарихий ҳақиқатларни англашда бизга ёрдам бериши мумкин.

Туркий тилли давлатлар азалдан миллатлараро тотувлик ғоялари остида яшаган. Бунга Амир Темур давлатини мисол келтиришимиз мумкин.

Амир Темур даврида миллатларарао муносабатлар ўзининг юксак ривожланиш чўққисига кўтарилган. 2015 йилнинг 1 ноябри куни АҚШнинг собиқ давлат котиби Жон Керри Амир Темур давлатининг пойтахти бўлган Самарқандда бўлиб, Ўзбекистон сафаридан кейинок Қозоғистон йўл олган Жон Керри Остонадаги Назарбоев-Университетда Самарқанд ҳақида қуйидагиларни таъкидлади: “Бу турклар, араблар, мусулмонлар, яҳудийлар, юнонлар, арманилар, христианлар, католик ва несторианлар билан бирдай мулоқотда бўлинган шахардир[3]. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Нью-Йоркда 70 йил муқаддам ташкил қилинган деб ҳисоблаймиз. Йўқ. Бу Самарқандда бир неча юз йил муқаддам содир бўлган[4].

«Темур тузуклари»да: «Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутдим; саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим; ўша вилоятларнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим... Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим[5]», -каби олтинга тенг битиклар бор.

Соҳибқирон Амир Темур даврида бугунги ҳамма республикалар бир давлатга бирлашганди.

У даврда Евроосий минтақаси ягона байроқ остида бирлаштирилган ва ҳамма миллат ва элатлар, кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўзаро манфаатли ҳамкорликда умргузаронлик қилишган. Амир Темур том маънода ўрта асрларда ўз даврида миллатлараро кўприк ўрнатди. Ҳатто диний низолар авжига чиққан ўрта асрларда Европага дўстлик ва ҳамкорлик ниятида эшик очди[6]. Кўплаб подшоҳларга дўстлик ва манфаатли ҳамкорлик учун элчиликлар, улар орқали мактублар йўллади[7].

Амир Темур аскарлари орасида ҳатто занжи-қора танлилар ҳам бўлган.

Эсласак, Маъмун академиясида насроний олим ҳам ишлаган. Ўша даврнинг меъёрлари ва диний қарашларини ҳисобга олсак, бу иш ўз замони учун оламшумул воқеа бўлганди. Илгари миллати ва элатидан қатъий назар профессионал уста, олим, табиб, аскар, тўқувчи ва бошқа юзлаб ҳунар эгалари қадрланаверган. Амир Темур давлатида турли миллатларга мансуб минглаб нафар профессионал элита ишлаган ва улар давлатнинг ривожланиши учун ўз ҳиссасини қўшган.

Амир Темур армиясида ҳам турли диний конфессия вакиллари хизмат қилганлар. Ҳатто бу жамиятда аёллар ҳуқуқлари ҳам ҳимоя қилинганди. Амир Темур армиясида аёллардан иборат ҳарбий қисмлар ҳам мавжуд эди. Улар ягона мақсад, ягона туғ остида бирлашиб, давлат ва жамият равнақи йўлида хизмат қилгандилар.

Миллатчилик[8] бугунги кунда бирлашишга, ҳамкорликка, интеграциялашув жараёнларига тўсиқ бўлган салбий ҳодисадир. Миллий ва диний низо учун тарих саҳифаларини ёзаётганларга Амир Темурнинг фаолияти ибрат ва намунадир. Соҳибқирон бобомизнинг улуғлиги ва бошқалардан устунлиги ҳам шундадир.

Собиқ иттифоқ даврида рўй берган қийинчиликлар, бир талай чигалликлар, ўта кескинлашиб кетган зиддиятлар мамлакатимиздаги аҳволни беҳад мураккаблаштирди,



кишилар турмушини мушкуллаштирди, ошкоролик ва демократияни, иқтисодий ривожлантиришимизни танг аҳволга солиб қўйди. Ҳозирги пайтда жамиятимизнинг барча соҳаларида ўтказилаётган ислоҳотларнинг тақдири, мамлакатимизнинг келажаги кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатлар қандай таркиб топишига, узоқ даврлар давомида йиғилиб қолган муаммоларни зудлик билан ҳал этилишига боғлиқ эди.

Миллий низолар тарихи колониал ва совет даври мафкураси асосида шаклланди. Бизнинг ота-боболар миллатидан қатъий назар яхши мутахассис, яхши инсонларни танлаб олиб дўстона ва ҳамкорликда ҳаракат қилишган.

Тарих инсон ғурури, тириклигини мазмун-моҳиятини белгилаб берувчи муҳим омил эканлигини инобатга олсак, бу ерда ҳамманинг ғурури, ори, шаъни ҳимоя қилиниши керак, тарихий объектив ҳақиқатлар бизни шунга ундайди.

Тарихга назар солсак, алоҳида олинган битта ҳудудда ва давлатда бугун бир миллатгагина боғлиқ бўлмаган халқлар тарихини, миллатлараро кўприклар ўрнатилиш жараёнларини кўришимиз мумкин.

Миграция тўлқинлари тарихи жуда ҳам узоқ тарихга эга ва улар тарихий босқичлардан иборатдир. Объектив қаралганда бу табиий-тарихий жараёндир. Улар биз ўйлагандан кўра кенг ва ранг-барангдир. Қабилалар кўчиб юраркан, ўзларига маъқул ерларда умргузаронлик қилаверган ва вақти келиб кўчиб ҳам кетаверган. Баъзи ўтроқ ҳудудлар бундан мустасно.

#### **4.Хулоса:**

Ўзбекистон давлатчилиги миллий ғоясига кўра ҳар қандай миллат у нақадар кичик бўлмасин инсонийликнинг бўлагидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши ер юзидаги маданият ва фаннинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади[9]. Шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш ва унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлиши керак ва бу мақсад, биринчи навбатда, ушбу этник гуруҳларни ўз ичига олувчи ҳар бир аҳолида давлатнинг вазифасидир[10].

Бугунги кунда Ўрта Осиё республикалари ва Ўзбекистон ўртасида илиқ ва дўстона муносабатлар шаклланиб борапти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев 2017 йилда БМТнинг 72-Ассамблеясида сўзлаган нутқида қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: “Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда. Бу – ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўлдир.

Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир[11].

Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши кўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир”[12].

Бугун эски стереотиплар ва қарашлар ўзгармоқда. Катта расмий доиралардаги ўзаро мулоқотларда кенг кўламли сифат ўзгаришлари кузатилмоқда. Биз Ўрта Осиёнинг тарихчи олимлари ҳам бугунги кунда "Ўрта Осиё халқлари тарихини умумий тарзда қайтадан ёзишимиз ва унда барча миллат ва элатларнинг ўз ўрни роли эътироф этилиши лозим" деб ҳисоблаймиз.

Агар умумий кечмишимиз саналган Ўрта Осиё тарихини холисона ва ҳамкорликда ёритсак, ўйлаймизки кўпгина низоли масалалар ўз ечимини топиши мумкин. Ўша асарларда Ўрта Осиё халқлари шу тарихга тенг соҳиб чиқиши таъкидланса бундан кўшни давлатларда яшаётган қондош-жондош дўсту биродар халқларимиз ҳам рози бўлиши мумкин. Зеро, ота-боболаримиз асос солган Туроннинг буюк давлатлари мана шу ерда яшаётган барча халқларнинг тарихидир.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Проблемы истории, археологии и этнологии Центральной Азии / Отв. Редактор академик А.С.Сагдуллаев. - Ташкент, 2018.
2. Коновалов П. Б. Этнические аспекты истории Центральной Азии: древность и средневековье. / Диссертация на соиск. уч. степени доктора исторических наук : 24.00.02, 07.00.07. — Улан-Удэ, 2000. — 317 с.
3. <http://kun.uz/news/2015/11/04/kerri-bmt-samarqandda-yaratilgan-edi>
4. <http://kun.uz/news/2015/11/04/kerri-bmt-samarqandda-yaratilgan-edi>
5. Темур тузуклари /Форсчадан А. С оғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. Б. Аҳмедов таржимаси остида / Сўзбоши ва изоҳлар Б . Аҳмедовники / — Т .Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашри, 1996.-Б. 118.
6. Ўлжаева Ш, Аҳмедова Д., Раҳмонбердиева Н, Муқимов Б. Some information about the history of Amir Temur's diplomacy // Oriental Renaissance: Innovative,educational, natural and social science (E)ISSN:2181-1784 www.oriens.uz SJIF 2023 = 6.131 / ASI Factor = 1.7 3(1/2), Jan., 2023 -Б. 649-655.
7. Ўлжаева Ш. Амир Темур дипломатияси. Тошкент, 2017. Илмий оммабоп қўлланма Т.: “ IJOD-PRESS” нашриёти, 2018 йил. -Б. 156.
8. Мирзаев А. Миллатчилик васвасаси // <https://alishernavoiiy.org/Uz/uzhasy-nacionalizma/>
9. Ўлжаева Ш. Амир Темур давлат бошқаруви. - Тошкент: Akademnashr, 2017. — 248 б.
10. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқорорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 73-74.
11. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи // <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>
12. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи // <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>